



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 28 январь, жума № 4 (387)

● Сотувда нархи эркин

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНING ЮКСАК ИФОДАСИ

Мустақил Ўзбекистон 1991 йили истиқлолни қўлга кири-тиб, тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб олди. Утган 8 йилдан ортиқ вақт мобайнида юксалиш сари одимлаётган «катта карвон»га узққи кура биладиган, уддабурон раҳбар Ислол Каримов сарбонлик қилиб келмоқда.

Яқинда мамлакатимизда демократик тамойиллар ва мукбиллик асосида бўлиб ўтган Президентлик сайловида нурли истиқбол сари одимлаётган карвонга сарбон-

ни сайлаб олиш лозим эди. Ушбу сайловда республикамизнинг миллионлаб сайловчилари навбатдаги муддатга яна одил раҳбар, Президентимиз И. Каримовни сайлаганликлари халқ кўнглидаги иш бўлди десак муболага бўлмайди. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида порлоқ келажак сари йўлга чиққан карвонни ҳеч ким Ислол Каримовдек беталофат манзилга етказа олмайди.

Самарқандлик алоқачилар ҳам мамлакатимиз Президенти И. Каримов сайловда халқнинг муно-

сиб овозини олиб, голиб чиққанликларидан беҳад хурсанд бўлишди. Бўлиб ўтган сайловда мен ҳам муносиб номзод учун овоз берганимдан қалбим қувончга тулди. Ўртбошимизни ушбу сайловдаги буюк, тарихий галабаси билан самарқандлик алоқачилар номидан қутлайман.

Г. Ф. ЛИ,
Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси бошлиғи

ЙИЛ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳамасида коммуниция мажмуининг кенгайтирилган ҳисобот йигилиши бўлиб ўтди. Йигилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Л. Аҳметов олиб борди. Унда 1999 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривож-

ланиш яқунлари ва 2000 йил режалари куриб чиқилди.

Коммуниция мажмуининг ҳисобот йигилишида соҳа раҳбарлари сўзга чиқишиб, ўз тармоқларида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритишди. Жумладан, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар

агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаев ҳам маъруза қилди. Маърузачи 1999 йили алоқа соҳасида бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Мажмуа йигилишида курилган масалалар буйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида архив ҳужжатларини тайёрлаш мавзусида Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви мутахассислари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Маълумки, агентлик ўз ҳайъатида «Почта ва телекоммуникациялар соҳасида архив ишлари, иш юритишининг олиб борилиши, ижро интизоми ва архив ҳужжатларининг сақланиш ҳолати туғрисида» қарор қабул қилган эди. Шунга мувофиқ ушбу ўқув-семинар агентлик ишлар бошқармасининг ташаббуси билан ташкил этилди. Маъруза ўқув-семинарда алоқа корхоналари ва ташкилотларидан 36 нафар тингловчи қатнашди. Айниқса, «Халқаро Телеком» акциядорлик компанияси ва унга қарашли ташкилот ҳамда корхона ходимлари бу ўқув-семинарда фаол иштирок этишди.

Тингловчилар ана шундай фойдали ўқув-семинарлар тез-тез ўтказилишини таклиф қилишди.

Ш. НУРМУҲАМЕДОВА,
Агентлик ишлар бошқармасининг етакчи мутахассиси

● Ранжнамо

ХИЗМАТГА ХАЛАЛ БЕРАЁТТАНЛАР

Курилиш майдонида сунги ишлар бажарилётган эди. Сув қувурини етказиш учун ер қазилиши ҳақида топириқ берилди. Шунда участка бошлиғи бу иш учун рухсат кераклигини айтди. Аммо жамоа раҳбари топириқни бажаришни талаб этди. Кўп ўтмай «Белорусь» трактори ёрдамида қазув ишлари бошлаб юборилди.

Ана шундай узбошимчалик оқибатида Термиз шаҳрининг 5-кичиқ даҳасидаги рақамли автомат-телефон станциясига боғланган кабель узиб юборилди. Туғри, ушар раҳбар ўз ишининг тез битганидан хурсанд. Аммо у шошма-шошарлиги билан қўллаб олинлар тинчини бузганини билармикан! Қолаверса, алоқа ходимлари учун қўтилмаган таъиш келтириб, катта миқдорда молиявий зарар етказганини-чи?! Йўқ, у бу ҳақда лоақаб заррача ўйлаб ҳам кўрмайди. Чунки бундай кишиларга иш битса бўлгани. Алоқа кабелли узилгани билан нима иши бор?

Афсуски, мана шундай лоқайдликлар туфайли Термиз шаҳри ва Бойсун туманларида алоқа кабелларини узаш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Айниқса, Бойсунда ахвол ташвишли. 1999 йил мобайнида эҳтиётсизлик оқибатида 56 километрни алоқа сими узиб юборилганини қандай баҳолаш

мумкин? Агар «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси йил мобайнида кабель ва сим узилиши туфайли 6 миллион 730 минг 901 сўм иқтисодий зарар курган бўлса, унинг асосий қисми, яъни 2 миллион сўмдан зиёдроги Бойсун филиали ҳиссасига тушади.

«Бухорогазсанотқурилиш» ташкилоти айби билан Қизилқум туманида 50 метр кабель ишдан чиқарилиб, нақд 50 минг сўм зиён етказилди. Бу қўрсаткич Ангорда янада юқори бўлди. Кабель узилиши оқибатида келтирилган 150 минг сўмлик зарарни энди ким қўллабди? Энг ёмони, бу ноҳуш иш бевоқифиятши бўлиб Шўда Бикелдани тушунчиги билан амалга оширилган.

Бир метр кабель сим фалон сўм пул бўлиб турганини инобатга олсак, бундай узбошимчиликлари билан асло муроаса қилиб бўлмайди. Бизнингча, курилиш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда оғохлантириш усуллари иш бермайди. Хамкорларнинг жавобгарлигини ошириш учун шартномавий муносабатларини тезроқ йўлга қўймоқ лозим. Ана шундай сикх ҳам, кабоб ҳам қўймайди.

Мавжуда ЭРГАШЕВА,
«Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасининг катта муҳандиси

Матбуотни миллат ва маънавият кўзгуси, жамиятнинг узвий бир бўлағи деб бежиз айтишмайди. Мустақиллик ҳаётимизнинг барча соҳалари турфа хил жараёнлар туғрисида турган бош йўналишларини ҳам кундай равшан қилиб берди. Президентимиз И. А. Каримовнинг маърузаларида бу йўналиш янада ойдинлаштирилди. Бугунги матбуотнинг бош вазифаси — халқнинг хабардорлик даражасини ошириш, жамият ҳаётида кечётган турфа хил жараёнлар туғрисида одамларнинг фикр-мулоҳазаларини акс эттириш, фикрлар, қарашлар хилма-хиллигига эришиш, шу жараёнлар туғрисида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бу фикрни охир-оқибатда ижтимоий фикрга айланишини таъминлашдан иборат. Матбуот қуруқ расмиятчиликдан, мадҳиябозликдан холи, ўз сўзининг қадрини чуқур аглаб етатидан, воқеа-ҳодисалар ривожини олдидан ҳис эта оладиган, эзгу ишларга даъваткор, аини пайтда камчиликларга муроасисиз, ўз мустақил сўзи, мустақил фикри ва қарашларига эга бўлмоғи керак.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугун республикамизда 600 га яқин газета ва журналлар чоп этилмоқда. Утмишдаги нашрларга қиёслаганда бугунги нашрлар бутунлай бошқа олам эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Манглайга беҳоловатлик муҳри урилган, тиним билмайдиган, шарафли ҳўнарни ўз умрининг мазмун-маъносига деб билган журналистлар ватанимизни жаҳон кенгликлариغا олиб чиқиш, дунёвий жараёнлардан бизни воқиф қилиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, нашр қанчалик юқори савияли, қадрини қисман йўқотди. Қани энди, республикамизнинг қайси бир ерида яшаймишдан қатъий назар, эрта билан почтачиларимиз босмахола бўлиб ақиб турган савимли нашримизни қўлимизга тутказиш...

Кейинги йилларда матбуот тарқатиш фаолиятига доир қабул қилинган қарорлар, жумладан, 1999 йил, 13 сентябрда Вазирлар Маҳамаси томонидан «Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш туғрисида» қабул қилинган қарор ва бошқа чоратadbирлар матбуот тарқатиш соҳасини янги босқичга кўтариш учун хизмат қилишига ишончимиз комил. Ушбу қарор «Матбуот тарқатиш» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ ҳиссадорлик жамиятлари неғизлида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қўйидагиларни белгилади:

республика аҳолисининг ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуотиغا бўлган эҳтиёжини қондириш;

вақтли нашрларга бўлган эҳтиёж маркетинги ва мониторингини ташкил этиш;

вақтли матбуотни чакана савдо дуконлари тармоғи ва вақтли матбуотни тарқатувчилар орқали тарқатишни таъминлаш;

чакана савдо дуконлари тармоғини оқилома ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бошқа соҳалардаги каби, матбуот тарқатиш соҳасида ҳам кечяги кун андозалари билан иш тутиб бўлмайди. Биз фикрсизлик, узибуларчилик ботқоқидан бутунлай қутулиб, нашрларни халқимиз қўлига қисқа муддатларда, сифат даражасини йўқотмасдан етказиб

беришни ўйлашимиз, бу борада тинимсиз изланишимиз керак. Юқорида айтилган қарор ижросини таъминлаш учун бир қатор чоратadbирлар белгиланган. Асосий масала ана шу тadbирларни соҳибкамалик билан амалга татиб қилишдир. Шу нуқтани назардан 2000 йил учун обуна ақунларига бир назар ташлаб, ютуқ ва камчиликлар ҳақида бироз тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблайман. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимдаги корхоналар томонида республика газеталарига 578506 та, журналларга 609213 та обуна расмийлаштирилган. Ҳисоб-китобларга қўра, газеталарга обуна бўйича Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қорази, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси корхоналари ўтган йил қўрсаткичларига нисбатан юқори натижаларга эришганлар. Лекин Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Наманган вилоятлари корхоналари обунага эътиборни сўсайтириб юборганлар.

Диққатга сазовор ва обуна жараёнини баҳолайдиган яна бир қўрсаткичлардан бири, 1000 та аҳолига турғи келадиган обуначилар сонидир. Бу қўрсаткич бўйича Сирдарё, Тошкент вилояти, Самарқанд, Жиззах вилоят қорхоналари нисбатан яқши натижаларга эришганлар. Лекин бу қўрсаткичлар обуна натижаларини холмас ифодалай олмайди, чунки обуначиларнинг кўп қисминини 1 ойдан 3 ойгача обуна бўлганлар ташкил қилган бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикримизни исботлаш учун яна бир далил келтиришимиз. 2000 йил январь ойи учун газеталарга қабул қилинган обуна сонини 100 фоиз деб ҳисобласак, июнь ойида бу рақам 69 фоиз, декабрь ойида эса 28,3 фоизни ташкил қилди. Жумладан, «Хабар» газетасига ҳам январь ойи учун обуна сони 8180 тани ташкил қилган бўлса, декабрь ойида бор-йўғи 3042 тани ташкил қилди.

Жорий обунага ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак. Обуна тўхтамайдиган жараён эканини аввало матбуот тарқатувчиларимиз яқши билишлари даркор. Маълум сабаблар билан йил бошида обуна бўлолмаганлар учун бизнинг алоқа бўлимларимиз, газета дукони эшиклари доим очик бўлиши зарурдир.

Абдусаттор ОРТИКОВ,
«Матбуот тарқатиш маркази» ХХ Бош директори

• Ёдном

АЖОЙИБ ИНСОН ЭДИ



Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири бўлиб ишлаган (1972-1985 йиллар) Т. М. Тухтаев ҳаёт булганида 70 ёшга тулган бўларди.

Темир Мақсудович Алоқа вазири этиб тайинланганида кўпчилик алоқа мутахассислари авиасозлик заводининг цех бошлиғи ва «Миконд» заводи директори бўлиб ишлаб келган одам шундай бир мураккаб соҳани қандай бошқараркин дея ҳайрон бўлишганди.

Орадан маълум вақт ўтгач, алоқа соҳасига гайратли, соҳа ривож учун ҳамма куч ва имкониятларини сарф қилишга тайёр одам келганлиги маълум бўлди.

Темир ака даврида алоқа соҳаси тез ривожланди. Агарда ҳар беш йилликда собиқ СССР буйича алоқа соҳаси 35-40 фоизга ривожланса, Ўзбе-

кистонда эса ўсиш 100-120 фоизга етди. Бундай юқори натижаларга эришиш мақсадида шаҳар ва қишлоқларда АТС ва туман алоқа тугуни учун юзлаб бинолар қурилди. Ҳозирги кунда фаолият курсатаётган барча туман марказларидаги алоқа уйлари асосан уша даврларда қурилган. Қурилиш, айниқса электралоқа биноларини қуриш ҳали кўпчилик учун унча маълум бўлмаган кредитлар олиш ҳисобига жадал ривожланди.

Алоқа соҳаси ривожини таъминлаш учун тўртта ихтисослашган алоқа қурилиш трестлари, ҳар бир вилоятда энг камидан иккитадан қурилиш бошқармалари ташкил қилинди.

Темир ака соҳа тараққиёти учун юқори малакали мутахассислар кераклигини яхши билар эди. Шу боис ҳам у вазир бўлиб иш бошлаганида ташкил қилинган биринчи конференция (1973 йилда) республикадаги иқтидорли ёш мутахассисларга бағишланганди. Бу тadbирда мен Алоқа институти ўқув ишлари буйича проректори сифатида иштирок этиб, Темир ака билан яқиндан танишдим ва у кишининг нақадар жонқуяр инсон эканлигини билдим.

Соҳанинг ривожини билан бирга алоқа хизмати сифатини яхшилашга ҳам Темир ака катта эътибор берарди. Ҳар бир корхонада сифат масаласи билан шуғулланадиган гуруҳлар, бўлимлар ташкил қилинди, таланти ёш муҳандис ва техниклар алоқа жаравнларини автоматлаштириш ҳамда бошқариш

буйича иш бошладилар. Ҳозирги кунда алоқа соҳасига етакчилик қилаётган Ф. С. Абдуллаев, В. Л. Штейнберг, Т. Н. Назаржонов, Э. Ҳ. Аллаев ва бошқа унлаб ўз касбининг етук мутахассислари ўз фаолиятларини уша вақтларда бошлашган эди.

Соҳага илмий-техника ютуқларини татбиқ қилиш, янги ускуна ва асбобларни ясаш, ихтирочилик ишлари Темир ака даврида жуда ҳам ривожланди.

У киши ҳар бир раҳбардан янгилик ишлашни, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашни талаб қилар ва бу йўлда сусткашлик қилганларга мурасиз эди.

Ўзбекистонда алоқа соҳасини ташкил қилиш бора-бори маълум бир ишлар у кишининг ташаббуси билан амалга оширилган. «Алоқасаноат» заводининг ривожини, ташкил қилиниши 80-йиллар бошига тўғри келган.

Т. М. Тухтаев алоқа ходимларининг яшаш шароитларини яхшилаш борасида ҳам тинмай гамхўрлик қилар, вилоятларда алоқачиларга қўллаб-ўйғойлар, болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари бунёд этилишида бош-қош бўлар эди.

Темир аканинг ёрқин хотираси алоқа соҳаси ривожига катта улуш қўшган раҳбар, жонқуяр инсон сифатида ёдимизда абадий қолади.

М. ЗОХИДОВ,
Тошкент телеграф-
телефон станцияси
бошлиғи

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида Темир Мақсудович Тухтаевнинг таваллудига 70 йил тулгани муносабати билан хотира кечаси ўтказилди. Кечада агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев устози ҳақида ўз хотираларини сузлаб берди. Шундан сунг Т. Тухтаевнинг ҳамкасблари, шогирдлари, фахрийлар, оила аъзолари, қариндошлари — Л. Абаева, А. Тоғайалиев, К.

Рахимов, М. Зоҳидов, Т. Раҳимов, А. Алимбоев, П. Умаров, Ш. Исломов, Т. Урозбоев, Х. Мақсудов, С. Тухтаевалар бу инсоннинг алоқа соҳасига қўшган улкан ҳиссаси, инсоний фазилатлари ҳақида тулқинланиб гапирдилар. Хотира кечаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

СПИСОК ЛИЦЕНЗИЙ НА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ УСЛУГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ, ВЫДАННЫХ УЗБЕКСКИМ АГЕНТСТВОМ ПОЧТЫ И ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ (МИНИСТЕРСТВОМ СВЯЗИ РУз) ПО СОСТОЯНИЮ НА 30.12.99г.

N Строительство международных телефонных линий связи				
N	п/п			
		Акционерное общество «Межгорсвязьстрой»	28.08.96г.	MC N0009453
N Проектирование, строительство и эксплуатация сети сотовой радиосвязи общего пользования				
1	2		3	4
1		Совместное Узбекско-Американское предприятие «Уздуробита»	29.06.96г.	MC N 0009401
2		Совместное Узбекско-Американское предприятие «Rubicon Wireless Communication»	5.08.96г.	MC N 0009402
3		Совместное Узбекско-Малайзийское предприятие «Узмаком»	5.08.96г.	MC N 0009403
4		Дочернее предприятие корпорации ДЭУ «ДЭУ Централ Пейджинг»	5.08.96г.	MC N 0009404
5		Иностранное предприятие «Бакри Узбекистан Телеком»	5.08.96г.	MC N 0009405
6		Совместное Узбекско-Американское предприятие «КОСКОМ»	28.08.96г.	MC N 0009406
N Проектирование, строительство сети сотовой радиосвязи общего пользования				
N	п/п			
		Акционерное общество «Алоқанвест»	28.08.96г.	MC N 0009439
N Проектирование, строительство и эксплуатация сети сотовой радиосвязи (локально-транковая система) общего пользования				
1	2		3	4
1		Совместное Узбекско-Российское научно-производственное предприятие «Узсвязьспутник»	28.08.96г.	MC N 0009443
2		Совместное Узбекско-Российское предприятие «Континенталь Линк»	28.08.96г.	MC N 0009457
3		Многопрофильная производственно-коммерческая фирма «Хаким»	28.08.96г.	MC N 0009461
4		Общество с ограниченной ответственностью «АТЕК»	28.08.96г.	MC N 0009462
5		Общество с ограниченной ответственностью «Интермикро»	28.08.96г.	MC N 0009463
6		Общество с ограниченной ответственностью «ТЕС ИНФОРМ»	5.11.96г.	MC N 0009491
7		Акционерное общество закрытого типа «Малакали»	5.11.96г.	MC N 0009492
8		Общество с ограниченной ответственностью «Камолот Автосервис»	20.12.96г.	MC N 0009500
9		Частная фирма «Эдельвейс-Али»	20.12.96г.	MC N 0009501
10		Совместное предприятие «Юникс Техно Плюс»	5.03.97г.	MC N 0009503
11		Производственная фирма «Элком»	5.03.97г.	MC N 0009504
12		Акционерное общество открытого типа «Сырдарья Телеком»	5.03.97г.	MC N 0009505
13		Совместное предприятие «Харуша Майор ЛТД»	5.03.97г.	MC N 0009506
14		Частная фирма «Телеком-А»	10.07.97г.	MC N 0009537
15		Акционерное общество «Автолока»	10.07.97г.	MC N 0009538
16		Общество с ограниченной ответственностью «Радиус»	11.03.99г.	MC N 0009433

(Продолжение следует).

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» ХЖ томонидан «Ўзбекистон миллий цирки» м а в з у и д а тайёрланган почта маркалари тўплами Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан муомалага чиқарилди. Ушбу маркаларда тасвирланган суратлар республикамиз миллий цирки тараққиёти



туғрисида ёрқин ҳикоя қилади.

Тўплам олти почта маркалари ва битта почта блокдан иборат. Марка турли хил рангда бўлиб, почта блокада марка номлари узбек тилида, лотин алифбосида ёзилган. Бу тўпламни тошкентлик мусаввир Ирина Лысенко чизган.

Тошкент электротехника Алоқа институти жамоаси институтнинг фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси И. А. Гомолинга умр йўлдоши **Клавдия Петровна ГОМОЛИНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Андижон Телеком» ХЖ жамоаси катта диспетчер **Толибжон ЯНГИБОЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кунларнинг бирида тахририятдан вилоятдаги алоқа раҳбарига телефон қилдим. Ҳол-аҳвол сурашгач, мақсадга кўчдим:

— Реклама масаласида сизлар билан шартнома тузган эдик.

— Так...
— Ана шу шартномани бажармаясизлар-ку?

— Так...
— Обуна масаласида ҳам охириги уринлардасизлар.

— Так...
— Қизиқ, бу ... «так» деганингиз нимаси? Ҳали ҳам давлат тилига утмадингларми?

— Так, э кечирасиз, шу... урганиб қолганмизда!
— Унда, идорангизда иш юритиш ҳам, мажлислар ҳам

• Тилга эътибор

ЎРГАНИБ ҚОЛИШГАН

ана уша — урганиб қолинган бегона тилда олиб борилар эканда?

— Йу-ук, давлат тилини илож борица жорий қиялпмиз, албатта. Аммо...

Антиқа суҳбатнинг давомини келтириб утирмайман. Фақат афсус-надомат ила аччиқ бир ҳақиқатни қайд қилмоқчиман. Мана, давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилинганлиги ун йил тўлганини нишонлади. Маънавий-маърифий ҳаётимизда ута муҳим аҳамият касб этиши лозим бўлган ушбу қонуннинг ҳаётга кунгилдагидек жорий этилмаётгани сир эмас. Бунинг сабаблари кўп. Шулардан бири, юқоридаги каби манкурт раҳбарларнинг уз тили қолиб, бегона тилда иш юритишга УРГАНИБ қолганлигидир. Улар учун уз она тилида сузлаш, иш юритиш гўё бир умр ўнг қўлда бажариб келинган ишни ногоҳ чап қўлда қилишдай-мушкул туюлади. Шу боис азиз жонларини ортиқча койитгиси келмай, осонгина урганиб қолинган тилни ишга солаверадилар. Балик бошидан сашигач, қолгани маълум, албатта. Шубҳасиз, бундай манкуртлар ишлаётган идорага

бориб, давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижросини текширмаман десангиз, асабингиз бузилади. Уринли саволингизга жуяли жавоб ололмайсиз. Талаб қилсангиз, танбех берсангиз сира буш келишмайди, муттаҳамлик билан ҳатто сизни шошириб қўйишади. Чунки уларнинг бегона тилда сузлашга, демакки эскича яшашга, эскича одатларга ўрганиб қолган суянган тоғлари бор. Буларга бас келиш қийин дея яна навбатдаги ун йилни кутиш билан утказиб юборишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Ҳақ берилмайди, ҳақ олинур дейдилар. Ана шу оддий ҳақиқатни унутмайлик.

Шодмон ОТАБЕК

ҲУКМАТЛАР

Агар илмсиз қози майпараст бўлса, уни улдиrhoк керак ва дузах утига етмасданоқ куйдиrhoк керак.

А. НАВОЙЙ

Одам икки нарса туфайли қаримайди: бири яхши феъли, иккинчиси эса эгу сузи.

Инсон борки, у хатолардан холи эмасдир, ўз қилган хатолари учун инсон зоти жазоларга маҳкуmdir.

Суз одамзот учун табииатнинг инъомидир, суз туфайли инсон улугликка эришади.

Жаҳонни қўлда тутиб туриш учун заковатли булиш керак, эл-халқни бошқариш учун ақл, идрок ва журъат керак.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ ВОСИТАЛАР

Бутакуз гулларининг дамламаси халқ табобатида шамоллашда, куйкутал ва куруқ йутал тутишида қўлланиб келинган. Дамламани тайёрлаш учун оғзи эпипладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, усимликнинг майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ солиб, бир соат дамланади, сунгра докадан сузиб, уч маҳал ярим стакандан ичиб турилади.

Шамоллашнинг олдини олиш учун қиш пайтлари уй шароитида 8-10 та наъматак мевасини чойнакка солиб, унга 300 грамм қайнаб турган сув ва 1-2 чақмоқ қанд солинади ва ҳар куни бир пиёладан ичиб турилади.

Қора андизнинг илдиэ қайнатмаси нафас йуллари ва упка шамоллаганида ва йуталда ичилади. Бунинг учун қора андиз илдиэдан 100 грамм олиниб, бир литр қайноқ сувга солиниб, 15 дақиқа давомида қайнатилди, тиндирилгач, кунига 3 маҳал ярим пиёладан ичилади.

БҶ-ҚИЗИК!

XX асрнинг биринчи ярмида (1900-1935) совуқ урушларга кетган сарф-харажатлар турт триллион доллардан кўндир.

Бу пулга ярим аср ер шар и аҳолисини нон билан таъминлаш мумкин экан...

Лондонда қадимги қаср ва уйларида яшовчиларни бирлаштирадиган клуб бор. Клуб аэололарининг бурчи XV асрдан кейин яратилган бирон бир нарсани уйларига олиб кирмаслиқдир.

1960 йили икки киши уйига телефон урнатгани учун клуб аэололигидан чиқарилди.

Олимлар Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги иккита арча дарахти икки минг ёшда эканлигини аниқладилар. Бу икки арча дарахти Искандар Зулқарнайнинг Урта Осиёга юриши гувоҳи бўлган экан.

Б. ШУКРУЛЛАЕВ тайёрлади



Қани мен ҳам қорга айланиб шу зум, Шу зум самолардан тушсам қор бўлиб.

Сенинг ёногинга кўнсам, юлдузим, Дунёда яшардим бахтиёр бўлиб!

ЭЧКИ СУТИНИНГ ФОЙДАСИ

Янги соғилган эчки сути фақат мазали бўлиб қолмай, балки фойдали ва шифобахш ҳисобланади. Эчки сути ҳатто кўкрак ёшидаги болаларга, қувватдан кетган беморларга тавсия этилади.

Эчки сути таркибига кура сир сир сутига яқин туради, бироқ баъзи кураткичлари билан ундан устундир. Сир сути анча ёгли бўлади, шунинг учун ҳам унинг калорияси ортиқроқ. Эчки сутида сир сутига нисбатан кўп туйинмаган ёғ кислоталар — динол кислота бир ярим баравар кўп. Маълумки, бундай ёғ кислоталар организмнинг инфекцияларга нисбатан чидамини оширади, зеро уларнинг склерозга қарши таъсир куратиш хусусияти бор.

Эчки сутининг ёғ доначалари сир сутига нисбатан майда бўлади, шу туфайли ҳам у организмга яхши сингади. Эчки сутида кальций, магний ва темир, марганец каби микроэлементлар кўпроқ бўлади. Унда А витамини сир сутидагидан

икки баравар, аскорбат кислотата бир ярим баравар, никотинат кислота (витамин РР) уч баравар кўп. Эчки хилма-хил утларни ейди, шунинг учун унинг сутида витаминлар таркиби бой бўлади. Эчки сути оқсилда сир сутидаги каби аминокислоталар бор.

Эчки сутида сут қанди (лактоза) кам бўлганидан, қорни дам бўлиб турадиган одамлар уни яхши кутарадилар. Бу сут болаларга ҳам, катта ёшли одамларга ҳам фойдалидир.

АСАЛАРИНИНГ ТОВУШ СИГНАЛИ

Рязань асаларичилик илмий-текшириш институти биофизиклари бир саволга жавоб топиш учун ун йилдан ортиқ кузатиш ишларини олиб боришди. Олимлар электрон заррабин ёрдамида асалари танасининг юзлаб нуқтасини урганиб чиқишди.

Аниқланишича, асалари бош суягидаги майда-майда мўйлар ҳашорат учун «қулоқ» ҳисобланар экан.

Мазкур ихтиронинг амалий аҳамияти шубҳасиз, катта. Зеро, юқоридаги товуш сигналларига кура ҳар бир асалари оиласининг соғлиги, аҳоли ҳақида маълумот олиш мумкин.

Бундан ташқари, асалари «тили»да сигнал беришининг йўли топила, бол йигувчиларни керакли майдонларга «чақириш» мумкин бўлади.

А. АЛИЕВ тайёрлади

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТўЛЕБОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-043. 8694 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга тоширилади — 19.00
Босишга тошириши вақти — 18.00
123456



ДУШАНБА, 31

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Тахлилнома..." 8.40 "Ватан мадҳи" Мусикий дастури...

ЎзТВ II

8.55 Куратувлар дастури. 9.00 "Давр" ҳафта тизими. 9.40 "Ешлар" телеканалда...

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз" 8.00 Телегазета "Экспресс"...

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ V

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

гулдасиси". 16.15 "Меҳр қолур" 16.35 "Ана ҳолос" Мультфильм...

ЎзТВ II

8.55 Куратувлар дастури. 9.00 "Давр" Хабарот дастури. 9.10 "Ешлар" телеканалда...

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз" 8.00 Телегазета "Экспресс"...

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ V

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ VI

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ VII

8.55 Куратувлар дастури. 9.00 "Давр" Хабарот дастури. 9.10 "Ешлар" телеканалда...

ЎзТВ VIII

8.55 Куратувлар дастури. 9.00 "Давр" Хабарот дастури. 9.10 "Ешлар" телеканалда...

авлод" студияси намойиш этади: "Коинот сирлари", "Самовий сарғайтма"...

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз" 8.00 Телегазета "Экспресс"...

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ V

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ VI

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ VII

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ VIII

8.55 Куратувлар дастури. 9.00 "Давр" Хабарот дастури. 9.10 "Ешлар" телеканалда...

ЎзТВ IX

8.55 Куратувлар дастури. 9.00 "Давр" Хабарот дастури. 9.10 "Ешлар" телеканалда...

23.20 "Ешлар" телеканалда спорт дастури. Интерфутбол. 00.00 "Давр" Хабарот дастури...

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз" 8.00 Телегазета "Экспресс"...

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ V

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VI

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VII

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VIII

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ IX

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ X

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

фильм. 5-қисм. 20.15 Мусликий таърифусу. 20.25, 21.00 Ўзлонлар. 20.30 "Абхазлар" 21.05 "Саодат қалти"...

ЎзТВ II

РЖТ 7.30-9.00 *** 15.00-16.10 Туркия ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ *** 16.10 Куратувлар тартиби...

ЎзТВ III

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ IV

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ V

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VI

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VII

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VIII

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ IX

8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

11.15 "Биргаликда қўлайимиз". 12.00-13.40 Кинематограф: "Манжалик гулҳарили". Бадий филми...

ЎзТВ II

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ III

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ IV

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ V

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VI

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VII

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЎзТВ VIII

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

СЕШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЧОРШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ПАЙШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЖУМА, 4

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...

ЯКШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Абхазлар" 8.30 Марказий газеталар шарҳи...